

Шарқ мутафаккирлари асарларида ота-она ибратининг психологик жихатлари.

**Андижон ВХТХҚТУМОИ “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедра мудириси п.ф.н. Қосимова Н.Д,
кафедра ўқитувчиси Маматова Э.Ю.**

Ушбу мақолада оилада ота-она ибратининг психологик жихатлари, оилада шахслараро муносабатларнинг психологик таҳлиллари ҳақида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар. Ибрат, халлолик, ота-она роли, маъсулияти, поклик, одоб-ахлоқ, шахслараро муносабатлар.

В статье раскрываются мысли Восточных деятелей про семейные отношения, также освещаются вопросы психологические анализы межличностных отношений в семье.

Ключевые слова. “Ибрат”, честность, родиетльские роли, ответственность, поведение, межличностные отношения.

Қадимдан бола тарбияси ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг роли юқори қўйилган, айниқса, унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатида ота-она ибрати, яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва ривожлантирувчи вазифаларига алоҳида эътибор берилган. Оиладагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар –халоллик, поклик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, ширинсўзлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга инсондаги инсоний муносабатларда намоён бўладиган фазилатлар, аввало, ота-она намунаси билан ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий-этик, педагогик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбаларидан бўлмиш Қуръон ва ҳадисларда ҳам одоб-ахлоқ, ота-онанинг ўрни ва вазифалари, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, бола шакллантириш, оила юритиш масалаларига кенг ўрин берилган.

Қуйида ҳадислар тўпламидан мисоллар келтирамиз:

“Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз”[38-ҳадис] “Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз кўл остингиздагиларга масъулдирсизлар, Подшоҳ ўз фуқароларига, ота-она ўз фарзандларига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак ҳар бирларингиз масъулдирсизлар” [116-ҳадис]; “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди,[136-ҳадис].

Келтирилган намуналардан кўриш мумкинки, демак диний манбаларда ҳам оиланинг ибрати, ота-онанинг берган тарбияси, хатти- ҳаракати орқали алоҳида эътибор, ҳурмат муқаддас қадриятлар сифатида қаралган экан.

Ота-онанинг ўзаро муносабатлари, шахс ва унинг камолоти муаммолари узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бўлиб келган. Шарқ алломалари ҳисобланган Хоразмий,Абу Наср Фаробий, Замахшарий,Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб,А.Навоий, Бобур, А.Шерозий, М.Бехбудий, А.Авлоний каби кўплаб олим ва ёзувчилар бу масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини мерос қилиб кетганларки, улар ҳозирги замон фани учун ҳам катта ижтимоий -психологик аҳамиятга эгадир. Уларнинг асарларида ота-она, оила ва оилавий муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Зардуштийликнинг қадимий китоби –“Авесто”да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида ота-онанинг тенг маъсуллиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлари баён этилган. Зардуштийлик диний таълимотида кўра ўн беш ёш балоғат ёши ҳисобланган. Балоғатга етган болалар зардуштийликка эътиқод рамзи сифатида белига юнг ипакдан тўқилган камар боғлаб юриши ва “оташпарастлар ибодатхонасида ўтказиладиган диний маросимларда қатнашиши ва улардан ибрат олиши шарт бўлган”.

“Авесто”даги яхшилик ва эзгулик яратиш учун ота-она намуна бўлишлиги, оилада меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши зарурлиги тўғрисидаги ғоялардан изламоқ лозим. “Инсон” – деб таълим беради Зардушт –“хайвон боласини ҳам ўз фарзандидек тарбияласагина, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилсагина меҳнат маъбудаси иноятига ноил бўлғусидир”.

Бунинг мазмуни фарзанд шаклланишида ота-онанинг намунаси, оилада меҳнат қилишнинг таъсирида амалга ошади, деган фикр ўз ифодасини топган. Зардушт меҳнатдан бўйин товлаган одам, охир оқибатда хору-зор бўлишини таъкидлаб, оилада қандай психологик иқлим ҳукм сурса, бола шундай шаклланиб қолишини айтиб инсон учун хос бўлган улуғворлик – меҳнатсеварликка чақирган.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида, инсон камолоти, бахти, хулқ-атвори, таълим-тарбияси ҳақидаги қарашларида уқтирилишича, оила аъзоларининг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари шу оиладаги одамларнинг бахтини ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга керакли тайёргарлик ҳолатини шакллантириш таъсирига эга эканлиги ҳақида, баён қилган.

XI асрнинг улуғ шоири, донишманди, Юсуф Хос Ҳожиб ота-она хулқ-атвори, ўзини тутиши болага кўзгудай кўриниши ҳақида уқтириб, “Қутадғу билиг” асарида: “Ота-она бўлиш инсон учун бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ, лекин бу нарса ота-онага жуда катта маъсулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб – отасида”. Шунинг учун ҳам ота-она, айниқса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозимлигини уқтирган.

Маърифатпарвар Абу Бакр Муҳаммад Хоразмийнинг ҳам асарлари беқиёсдир. Унинг “Тарих ал-Йамини”, “Вафайат ал-а йан” каби тарихий манбаларида инсонни улуғлаш, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, саҳийлик, камтарлик, дўстлик, олийжаноблилик, одоб ва ахлоқ, илму-маърифат ҳақида илгари сурилган ғоялар фақат ўша давр учун аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки ҳозирги кунда ҳам ўзининг педагогик-психологик қимматини йўқотмаган. Мутафаккир ўзининг психологик карашларида ота-она ва ўқитувчининг ўрни ҳақида ҳам таъкидлаб: “Итоатсиз бола туфайли (чеккан) мусибат (катта) даҳшатдир, унинг (ўлими туфайли одамлар) таъзияси эса табриклашдир. Ақлли киши икки ёмон ишдан яхшироғини танлаб олади ва икки ишончли кишининг энг адолатлисига ён босади. Илм аҳли бўлмаганнинг илмга баҳиллиги аслига қараганда ҳукмдир, фазли билан эса маърифатдир. Оталар икки ҳил отадир: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси; биринчиси жисмоний ҳаёт сабаби, иккинчиси рухий ҳаёт сабабидир, Бунинг учун эса оталик бурчини адо этиш олий химматдир”, - деган қимматли фикрларни баён қилган.